

---

## **Электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишни олдини олишга қаратилган назорат тадбирлари ўтказилмоқда**

Фарғона вилоятининг барча худудларида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш ҳамда электр энергиясидан мавжуд қарздорликни ундириш бўйича тунги мониторинг рейд тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, Учкўприк туманининг "Бегобод" маҳалла фуқаролар йиғини худудида мутахассислар томонидан электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишни олдини олиш, мавжуд қарздорликни ундириш ҳамда тармоқдан ўчириш ишлари олиб борилди.

Маълумот учун, электр тармоқлариiga ўзбошимчалик билан уланиб олиш, электр ҳисоблагичга ташқи таъсир кўрсатиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

2024-12-12 14:07:10